

«ИЛҲОМ БУЛОҒИНИ ОИЛАМДАН ТОПГАНМАН»...



Хар қандай санъат халқ учун, унинг келажаги учун хизмат қилади. Рассомлик санъати ҳам миллий маданиятнинг бир кўриниши. Ўзбекистон Халқ рассоми — Ўзбекистон Бадий академияси раиси уринбосари Акмал Икромжонов билан суҳбатимиз ҳам худди шу мавзуда бўлиб ўтди.

— Сизда расм чишига иштиёқ қачондан бошланган?

— Мен илк бор ёмғирда соябон кутариб келаётган кишининг расмини чизган

эдим. Отам (раҳматли) жуда хурсанд бўлиб, «мен етишолмаган орзуимга сен етгин, ўғлим», — дея дуо қилганди. Отамнинг дуолари ҳамон менга куч бағишлайди.

— Акмалжон, асарларингиз қаерларда намоиш этилган?

— Мен асосан реалистик услубда ишлайман. Асарларим Америка, Англия, Германия, Туркия, Покистон, Хиндистон, Россияда утказилган тасвирий санъат кўргазмаларида намоиш этилган.

— Ўзбекистонда ҳам асарларингиз сақланганми?

— Чингиз Аҳмаровнинг портрети, «Малика», «Мадина», «Улуғбек», «Чақмоқ», «Чанг навоси», «Орол мени

нг дардим», «Сурхон менинг заминим» каби асарларим Ўзбекистон санъат музейи, Амир Темур музейида, Хоразм тасвирий санъат галереяси, Ўзбекистон Бадий кўргазмалар дирекцияси фондида сақланмоқда.

— Асар яратиш жараёни сизда қандай кечади?

— Хар бир асарнинг яратилиши ўзига хос машаққат билан кечади. Табиат манзараларини рангли бўёқда чишиш менга илҳом бағишлайди. Чизган асарларим мукамал чиқишида айниқса турмуш уртоғимнинг ҳиссаси катта. Рафикамнинг санъатимни қадрлаши, фикрдошлиги, ижод қилишимага имкониятлар яратиб бериши менга куч ва илҳом

бағишлайди.

Мен ижодга утирарканман, яратилаётган асардан бошқа ҳеч нарсани уймайман. Албатта бундай шароитни менга рафикам ва фарзандларим муҳайё этиб беришади.

— Фарзандларингиз ҳам сизнинг издошларингиз бўлишини хоҳлармидингиз?

— Мен фарзандларимни меҳр қўйган касблари билан фахрланиб ишлашларини хоҳлардим. Катта қизим ҳамшира бўлиб ишляпти. Мадина менга маслаҳатдош ва маслақдош. Республика рассомлик коллежининг кийим дизайни бўйича иккинчи курс талабаси. Хосият билан Комила ҳали мактаб

ўқувчилари.

Кичкина ўғлим боғчага қатнайди. Рафикам Зухра Икромжоновна музика тарбиячиси. Шунинг учун бўлса керак қизларим ҳам музика асбобларини чалишни севишади.

Ижодкор оиласида соғлом муҳит яратилишида оила аъзоларининг ҳам меҳнати беқиёс албатта. Мен Акмал ака билан суҳбатлашиб қайтар эканман, уларнинг бундан кейинги ижодига муваффақиятлар тилаб қолдим.

Муассар
ҲОЛБЕРДИЕВА
муаллиф олган
сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга

МУРЖААТНОМА

Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич!
Пойтахтимизда руй берган фожеали воқеалар ҳар бир онанинг, ҳар бир аёлнинг қалбини чуқур ларзага солди.

далар. Мамлакатимиз хотин-қизлари бу огир синов дақиқаларда мустақиллик голярига, Сизнинг бошчилигингизда изчил амалга оширилган ислохотларга ҳечқис сadoқатларини яқдил намойиш этмоқдалар.

миз очилди. Бундан буён биз оналар оиламиздаги, юртимиздаги ҳамма ишлар учун масъулиятни тула зиммамизга оламиз.

лар номидан яна бир бор Сизни ишонтириб айтамеки, ёшларимизни ёвуз ниятли куллар қўлига бериб қўймаймиз, уларнинг тарбияси учун ҳар биримиз шахсан жавобгар эканлигимизни дилдан тула ва чуқур ҳис этиб турган ҳолда, уларни ҳар тарафлама баркамол шахс бўлиб етиштиришни учун бутун қораларни курашим.

Ақсинча, бу хунрезлик, бегуноҳ, тинч фуқароларимиз умрига чанг солиш халқимиз қаҳр-ғазабини оширди. Одам қиёфасидаги уша оқдадарларни ўзбекистонлик барча оналар оқ қилиб, дуоибад қилмоқ-

Бугун биз Сизни қатъий ишонтириб айтамеки, Истиклол йулидан бир қадам ҳам чекинмаймиз, ҳеч ким, ҳеч қандай куч ҳурлик нашидасидан баҳраманд бўлган халқни чуқта олмайди. Биз ҳақиша ва бир умр юртбошимиз атрофида елкадош, бир тан, бир жон бўлиб ментиндек ҳипшлашамиз.

Юртимизда хотин-қизларнинг жамият ва давлат қурилишидаги ролли ошириш, оила, оналик ва бодаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, ногиронларни моддий ва маънавий муҳофаза қилиш борасида Сиз раҳбарлигингизда амалга оширилаётган савобли ишлар бутун дунё тинчликсевар халқларининг диққат марказидадир. Чунки, Ватанини, халқини, оиласини, фарзандини, маҳалласини, қўни-қўнисининг тинчлигини ва хотиржамлигини ҳар қўни Оллоҳдан сўраб дуо қилмайдиган бирор она ёки аёл бўлмаса керак.

Ватанимизнинг мустақиллигини ва дахлсизлигини куз қорачигидек асраш, оилаларимизда, маҳаллаларимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда бор куч ва имкониятларимиз, билимимиз ва қобилиятимизни сафарбар этамиз.

Ўзбекистон хотин-қизлари, Мурожаатнома 19 февраль, 1999 йил Ўзбекистон хотин-қизлари номидан Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида қабул қилинди.

ЯХШИГА ЯХШИЮ ЁВГА ЁМОНМИЗ!

ХАЛҚИМИЗНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ ШУНДАЙ

КИМКИ ЁМОН БЎЛСА...

16 февраль, сешанба куни огир фожеа юз берди. Жоноҳон Тошкентимиз бир неча ногаҳоний портлашлардан ларзага келди. Бегуноҳ юртдошларимизнинг қони тўкилди. Бир неча онадонларда фарзандлар етим қолди, оналарнинг қалби ҳам бўлди.

халқимизни, мамлакатимизни уз доно раҳбаридан жудо этиб, дунёга бонг урмоқчи бўлдилар: «Мана курдингизми, биз истаган чоғда ҳаммангизни ер билан яқсон қила оламиз. Бизда халқ, миллат, Ватан деган туйғу йўқ!» Мана уларнинг шiori. Бу ёвузлик ортида қатта гаразли кучлар борлиги беш қулдай аён. Улар насиб бўлса аниқланади, башаралари очиб ташланади. Мирзо Бобур айтганларидек, «Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топғусидир».

Асосий гап шундаки, Президентимиз узларининг қулгина асарлари, суҳбатлари ва чиқишларида ҳақиша бизни шундай таҳдидлар борлигидан оголантириб келдилар. Йулбошимизнинг: «Хушёр бўлинглар, бизни қўрқолмайдиган кучлар бор, қўшни мамлакатлардаги фожеалардан хулоса чиқаринглар», — дея неча бор айтганларини эслаймиз. Аммо биз қилинаётган улғу ишларимиздан фахрлиниб кетиб (бу яхши албатта), айрим ҳолатларда уз-узимизга маҳлиб бўлиб қўлганлигимиз сир эмас. Бепарволик, лоқайдлик, ҳамма нарса ўз-ўзидан булаверади, қабилидаги беғамлигимиз уша қора ниятларга қул келиб қолди... Биз бундан муҳим сабоқ чиқаришимиз керак. Биз ижод аҳли сузимиз, созимиз ва санъатимиз билан халқимиз ёнида бўлайлик. Бизни порлоқ истиқлол йулидан қайтарадиган куч дунёда йўқ.

Президентимиз номларида дунёдаги қулгина мамлакатларнинг раҳбарларидан келаятган ҳамдардлик номлари бу фожеа фақат Ўзбекистонки эмас, балки жаҳондаги барча дустларимизни ҳам ларзага солганлигини исбот этиб турибди. Мен уша маъшум портлашларнинг айримларини уз кузим билан курдим. Ё тавба бу нима? Иблисининг бу разил ҳуружи замирида қандай фитналар мавжуд? Қандай ноқур, ярамас, узи яшаб турган муқаддас заминга, нафас олиб турган мусоффо осмонга тупурмоқчи бўлди? Ундай ғаламисни бу ер, бу юрт қандай қилиб уз бағрида қутариб келди? Уйларининг, аламларининг поёни йўқ.

Салкам саккиз йил ичида мустақиллик давронида эришяётган муваффақиятларимиз қандайдир унсурларнинг қўзини кур қилаётгани маълум эди. Ҳокимиятни қулга олишга интилган террорчилар халқимизни саросимага солишга, таҳлиқанинг ваҳима гирдобига гирифтор этиб, узлигини намён этмоқчи бўлди. улар

Жуманияз ЖАББОРОВ, Ўзбекистон халқ шоири

БИР ТАН, БИР ЖОН БЎЛАЙЛИК

Уша қўни пойтахтимиз осмони ниҳоятда тинч, ниҳоятда мусоффо эди. Ҳали феврал, киш, лекин ҳавода баҳор нафаси, баҳор шабадалари кезарди... Ҳаёт — тирикчилик эмасми, қаттаю кичик ҳамма ўзининг иши-машғулиги билан банд эди. Бутун Ўзбекистонда яшап, яшаш, яшарин руҳи хукмрон эди... Лекин ногаҳон январдан ўқ товушлари, портлашлар... Бегуноҳ қурбонлар... Мустақиллигимиз — бахту саодатимиз душманлари бу яшиаяттан юртни йўлбошчисидан жудо этишни, шу йўл билан ўз ниятларига эришишни ният қилган эдилар... Лекин худого шукрки, бундай бўлиб қикмади. Юртбошимизни Оллоҳнинг ўзи асраб қолди. Бу дунёни инсон учун синов дунёси дейдилар. Юртдошларимиз яна бир синовни бошдан кечирдилар. Бу синов юртбошимиз бошчилигида танлаган йўлимиз тўри эканлигини, биз дину динатли, дунёга яхшилик тилоччи, ватанпарвар, инсонпарвар халқ эканлигимизни, лекин кимки бизга ёв бўлса — бир тан, бир жон бўлиб унга қарши қақшатқич зарба беришга тайёр эканлигимизни ҳам намойиш этди.

«Оила ва жамият»нинг барча муштарылари ёвуз кимсаларнинг бу қора кирдиқорларини қоралайдилар ва лаянатлайдилар. Илоё Ватанимиз ва Истиклолимиз душманларининг юзини тескари қилсин...

ЭНГ БИРИНЧИ ҲИМОЯ — ХУШЁРЛИК

Мен редакция топшириги билан 16 февраль куни соат бирларга яқин республика радиоси томон бораётган эдим. Тошкент куранти ёнига етай деганимда кучли портлаш овозини эшитдим. Нима бўлаяпти узи? Ораддан бир-икми дақиқа утар-утмас яна кетма-кет кучли портлашлар овози еру кукни тугиб кетди. Кўнглим аллақандайдир хижил бўлди. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да... «Е итисқололимиз душманлари бирон қори ҳол қилдимикан?» — деган хаёл ҳам миямга урилди.

барқарорликка осонлик билан эришилгани йўқ. Уни қадрун бирларга яқин республика радиоси томон бораётган эдим. Тошкент куранти ёнига етай деганимда кучли портлаш овозини эшитдим. Нима бўлаяпти узи? Ораддан бир-икми дақиқа утар-утмас яна кетма-кет кучли портлашлар овози еру кукни тугиб кетди. Кўнглим аллақандайдир хижил бўлди. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да... «Е итисқололимиз душманлари бирон қори ҳол қилдимикан?» — деган хаёл ҳам миямга урилди.

Мен изимга қайтдим одамлар кучага чиққан. Портлашлар оқибатида қулгина биноларнинг ойналари чил-чил синиб ётарди. Енаётган машиналар... Одамларнинг қаҳр-ғазабини шу онда ифодалаш қийин эди.

— Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, — деди Ислон Каримов, — уларни узларимиз тарбия қиламеки, вояга етказамиз. Чунки улар, мустақил Ватанимизнинг, эрксевар халқимизнинг порлоқ келажаги учун меҳнат қилади. Бу суларда юртбошимизнинг ёшларга бўлган катта ишончи муҳассам.

— Ушбу нохуш ҳодиса жамиятимизда пайдо бўлган ўта хотиржам кайфиятнинг оқибати. Бугунги воқеадан одамларимиз ён атрофда бўлаятган воқеалардан доимо огоҳ бўлиш зарурлигини, тинчлик қадрига етишни ургангадилар. — деди юртбошимиз шу қўни Олий Мажлис биносида бўлган йиғилишида.

Юртбошимиз айтганларидек, энг биринчи ҳимоя бу хушёрликдир. Ҳа, биз озгина лоқайдликка берилганимиздан душманлар қандай фойдаланишганининг узимиз жонли гувоҳи бўлиб турибмиз. Бас, шундай экан, ҳар биримиз кузимизни қаттароқ очишимиз, атрофимизга, қўшни мамлакатларда юз бераётган воқеаларга теранроқ назар солишимиз, ундан узимизга тегишли хулосалар чиқариб оломегимиз даркор. Ана шунда мустақиллиқнинг қадрига етган бўламиз.

Дарҳақиқат, юртбошимиз ҳақ гапни айтган эдилар. Тан олишимиз керак, кейинги пайтда мустақиллиқнинг, тинчликнинг қадрига етмайдиган кимсалар ораимизда қўлайиб қолди. Улар учун гуё ҳамма нарсаи давлат бажариб бериши шартдек бўлиб қолди. Туанинги юки енгил бўлса ётагон бўлади, деганларининг балки маъноси шудир. Бу маъшум воқеалардан чиқадиган хулоса ҳар бир фуқаро учун бир хил бўлмоғи лозим. Юртимиздаги осойишталикка,

Кучада кетаятган одамларга сичков назар ташлайман. Уларнинг ҳеч бирини юзида руҳий зарба ўзи сезилмайди. Кайфиятлари жойида. Буларнинг барига сенинг юракларга бир олам куч, далда бахш этувчи оташин, юрак суэларининг сабаб, азиз юртбошимиз!

Майда иғволардан руҳинг чўкмасин, Бургутдек адл тут, эй, халқим бошинг! Чунки, сен бахтлсанг, бордир тепангда Юраги ўт бўлган, ботир юртбошиминг.

Ўткир САИДОВ

ЮРТБОШИМГА БЎЛГИН ҚАНОТ!

Қора булут қолмасин осмонинг, Эрк қўшинг, куйдирмасин биронта гард, Эзгулиқинг йўлидаги қарвонингни, Асра халқим, манзилига етмоғи шарт. Ўз қадрингни, тинчлигингни сақлей билгин, Фурурингни баланд тутгин олтин—зардан. Ҳар дақиқа, ҳар сония огоҳ бўлгин, Юрагинга ниш урувчи қаёнлардан. Бошинг кўтар элим гафлат ёстиғидан, Лоқайдлиқинг қўлмағида кетма чўкиб. Жаҳолат деб аталғувчи ёв тигидан, Ҳимоя қил фарзандингни, жонлар тикиб. Хушёр бўлгин, динни никоб қилганлардан, Бир миллатни бўлмоқ истар тараф—тараф. Асли алаф, ўзини гул билганлардан, Иброқ юргин келтирмағай заррача наф. Нурли, ёрқин келажагин келсин десанг, Тафаккуринг оламини айла обод. Аждодларим рухларин шод бўлсин десанг, Она халқим, юртбошимизга бўлгин қанот! Жаҳонгир ФОЗИЛ, Бағдод тумани.

ҲЕЧ НАРСА ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Уша муҳдис воқеа юз берган қўни мен концертда эдим. Бунни эшитган заҳотим ансамблга югуриб келдим. Қизларимга нима бўлди экан, деган уй хавлимдан ўтди. Чунки айти уша пайт қизлар машғул бўлиб банд бўлишган. Кетаятганимда ҳамма ёк тинч, хотиржамлик эди. Мен бир дақиқа бўлсам разолат нималигини билдим. Тинчликнинг қадрига етдим.

Ҳаётда ҳеч нарса жавобсиз, изсиз қолмайди. Бизни тинчлигимизга раҳна солмоқчи, режаларимизни бузмоқчи бўлган одамлар ҳам албатта уз заҳосини олади. Мен бунга ишонман.

Маъмуна Эргашева, Ўзбекистон халқ артисти

Техника тараққиёти болалар ҳаётига ҳам жадал кириб келди. Болалар севиб уйнайдиган уйинларни электрон уйинчоқлар ва компьютерлар сикиб чиқарапти.

Албатта замонавий техника ютуқларининг уйинларда қўлланилиши ёмон эмас. Аммо бу ҳолат болаларнинг соғлиғига путур етказмаслиги керак. Хусусан компьютерлар ҳаёт тақозоси бўлса-да, унинг зарарли томонлари ҳам бор. Чунки компьютер монитори атрофида (оддий телевизор экранидан ҳам) соғлиқ учун зарарли нурланш мавжуд. Шу зарарни маълум даражада пассивлаштириш мақсадида экран юзига махсус химоя ойнаси қўйилади. Афсуски, болаларимиз уйнаётган компьютер ёки «Денди» телевизорининг бирортасида химоя ойнасини қўрмаймиз. Айрим болаларнинг шундай «муҳизалар» қаршида соатлаб, ҳатто кунлаб қўлиб кетаётганини ҳисобга олсак, ҳали химояга муҳтож мурғак организм учун, айниқса кўз учун бунинг қанчалик зарарли эканини фаҳмлаш қийин эмас.

Умуман, бу каби уйинлар нафақат соғлиққа салбий таъсир қилади, балки болани ОНА ТАБИАТДАН УЗИБ ҚўЙДИ. Табиатни эса бола илк ўз уйинлари орқали ҳис қилади, кузатади. Афсуски бугун болалар уйинлари, айниқса, табиатга яқин уйинлар маънасида бизда танқислик мавжуд бўлиб турибди.

Табиатга яқин уйинларнинг муҳим хусусиятларидан яна бири шундаки уларда уйин учун керак ашёларни болалар асосан ўзлари тайёрлашади. Уз қўли билан тайёрлаган уйинчоқда уйнаш бола учун завқли ва ҳар томонлама фойдали.

Яқин ўтмишда юртимизнинг кўп ҳудудларида болалар ўз уйинлари учун жун коптоклар тайёрлаб олишарди. Балки ҳозир ҳам айрим жойларда бу ҳақлаб қолгандир ва уни тайёрлашни кўпчилик билса керак. Бундай коптоклар чорва туллай бошлаган ёмғирли баҳор ойларида тайёрланади. Бунинг учун қорамол жундан озгина олинади ва кафтда зичлаб сигир ёки наввос устида айланма йўналишда ҳаракатлантирилади. Махсус ҳўлланган ёки ёмғирдан намиққан, туллаётган сигир жуни кафтда аста-секин тўпланиб думалоқ коптокча шаклига келади ва катталаша боради. Бу иш сигирга ҳам «маъқул» келади, у қаршилик курсатмайди, аксинча кўпинча ётиб олади. Коптокнинг катталаша бори-

ши ва сигирнинг роҳатланиши болага завқ бағишлайди.

Аммо копток чексиз катталашиб кетавермайди, маълум катталикдан кейин «усмай» қолади. Бу ҳодиса болаларнинг олдига: «нега копток катталашмай қолди», — деган яхшигина савол қўяди

мизнинг энг ҳузурбахшишидир).

Ланка ясаш учун узун ва куюк жунли эчки ёки қўй терисидан жун толаларига зарар етказмасдан катта тангадай доира қирқиб олинарди. Унга оғирроқ япалоқ жимс ёпиштириб, ҳавода яхши парвоз қилиши учун жунла-

Мулоҳаза. Мушоҳада. Мунозара

ган ва улоқни янгидан бошламаётган эдилар. Шу алпозда бола нариги қирғача ярим соатча вақт давомида тинмасдан ва ерга туширмасдан ланкани тепиб борди. Шу вақт давомида отчо-

ва зийраклик талаб қилади, агар улар бузилса навбат бошқа қизга ўтади ва ҳоказо. Афсуски бу уйинларни ҳам қизчаларимиз уйнамай қўйишган. Чунки уйнашни билишмайди, биз эса ургатмаймиз.

Биз халқ уйинларининг жуда содда ва оддийларидан бир неча мисоллар келтирдик. Ваҳоланки уларнинг турлари жуда кўп, улар фаслийлик хусусиятига эга бўлиши ёки йил бўйи уйналиши мумкин. Қандайдир бир сабабларга кўра кичик бир ҳудуд доирасида маълум булган уйинлар ҳам бор. Улар тартибиданги хилма-хилликнинг боиси ҳам шундан бўлса керак. Нима бўлганда ҳам уйинларнинг ижодкори, уни танлаган ва шароитга мослаштирган доно халқимиздир.

Бироқ халқ уйинларининг кўпи турли даврларда йўқолиб кетган. Вақт чигиригидан ўтиб бизгача етиб келганлари эса кўз ўнгимизда унутилиб бормоқда. Ваҳоланки, халқ уйинлари ҳам бошқа қадриятлар каби ўзликини англатиб турувчи маънавий меросдир. Бу маънавий меросни қайта тиклаш эса болаларимизни баркамол ва соғлом инсонлар бўлиб вояга етишлари учун пухта замин ҳозирлайди. Зеро диёримизда яшаб ўтган, бугун бутун дунё танийдиган буюк болаларимиз худди шу уйинларни уйнаб улғайишган бўлса не ажаб.

Шавкат РАВУТОВ,
Ўзбекистон Болалар жамғармаси ижрочи директори

ТАБИАТГА ЯҚИН ҲАМ УЙИНЛАР

(копток катталиги ва қаттиқлиги жуннинг узунлиги ва майинлигига боғлиқ). Қушни болалар ўртасида кимнинг сигиридан каттароқ копток



ри ён томонга тараб қўйилса, қарабсизки «ланка» тайёр. Чиройли ҳар хил мураккаб акробатик ҳаракатларга бой ва яхшигина чаққонлик талаб қиладиган бу уйин нимага олмавийд спорт мусобақалари қаторига кирмай қолганига ҳайронман. Қандайдир ноаниқ даъволар. Яна ким билади.

Уйиннинг жозибадорлиги хусусида болагимдаги бир воқеа ёдимга тушиб қолди. Кўп тўйларда катта базмлар ўрнига «улоқ» бўларди. Биз болалар ҳам бу ажайиб томошани ўтказиб юбормас эдик.

«Улоқ» ўтказиладиган жой атрофи қирлар билан ўралган, паст текислик шаклида бўларди.

Уша мен ҳикоя қилаётганим «Улоқ»да қандайдир тўхталиш бўлди. Отлар ва чавандозлар хусусида баҳс бошланиб қолди. Шу пайт биздан 20-30 метрлар чамаси узоқликда 14-15 ёшлардаги ўсимир нариги қирга «ланка» тепа-тепа кета бошлади. Ҳозир «Улоқ» янгидан бошланиб қолса, уша успи-

чиқиши хусусида табиий мусобақа бошланади. Бола сурай-сурай, копток нега катталашмай қолгани сабабини, сигирлар жунлари ҳам ҳар хил бўлишини билиб олади. Унинг хотирасида ҳеч йўқса ҳайвонларнинг туллаш вақти муҳрланиб қолади. Энг муҳими у эзига уйинчоқ ясаб олади. Эйтиб бериб қаралса, оддийгина шу уйинчоқ ясаш жараёнининг ўзидаёқ қанча мазмун, маъно мужассамлашган.

Хусусан биз ёз ойларида шафтоли данаклари ёрдамида уйин уйнардик. Ерга махсус чизилган туртбурчак ёки овал шакли ичига қатор тизилган данакларни 4-5 метр масофадан катта данаклар ёрдамида уриб чиқариб олардик. Зур уйинчиларда минглаб данаклар тўпланди, бу данакларга қараб шафтоли навини беҳато айтиб берардик. Энг қизиғи хом шафтоли данакларини ўз данакларимизга қўшмас эдик. Шу туфайли хом шафтолини узиш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Қолаверса, йирик данакли шафтоли ҳаммининг ҳам ҳовлисида бўлавермасди. Катта данак олиш учун махсус нав ва яши парвариш кераклигини ўшандаёқ билганмиз. Ҳозир бу уйинлар йўқолиб кетибди.

Яна бир жозибадор уйинимиз «Ланка» эди (Ланка сўзини ўқиб, кўпчиликнинг юзига табассум юрган бўлса ажаб эмас, зеро бу уйин болалик хотиралари-

парда жимлик ва ҳайрат ҳукм сурди.

Қаранг, бир-бирини «тўхтатиб» қўювчи қандай гузал ва ажайиб уйинларимиз бор.

Бизнинг ҳатто ёзининг ойдин кечаларида уйнайдиган «Оқсуяк» аталмиш уйинимиз ҳам буларди. Узоққа отилган қўй ёки эчки илигини ой ёруғида излаб топардик. Бу уйин кузлар равшанлиги ва сергаклигини оширади.

Қиз болалар учун ҳам қизиқарли ва беозор уйинлар кўп эди. Адашмасан улардан бири «чаққон тош» деб аталади. Уйин тартиби унчалик эсимда йўқ. Эҳтимол уша пайтда уни уйнаган опаларимиз унутиб юборишмагандир. Бу уйиннинг ҳам бир неча турлари бор бўлиб уни 3-4та қизлар тақир ерга давра қуриб ўтириб уйнашади. Керак ашёлар эса 15-20та данақдай келади думалоқ шаклдаги тошлар, холос. Уйинчи қиз 5-10тача тошни кафтига олиб, ҳаммасини биргаликда 20-30 см баландликка отади.

Тошлар тўпи қайтиб тушгунча бармоқларини бир оз ёзган ҳолда кафтининг орқа томонини тўтиб туради ва қўлининг юмшоқ ҳаракати билан имкон борича кўпроқ тошни ерга туширмай илиб олади. Кафти орқасида ту-



ринга жуда хатарли бўлар эди. Лекин ҳалиги успирин ҳеч нарсага парво қилмай ланкани шу даражада чиройли тепиб борардики, таърифлашга суз йўқ. Унинг ланка тепиши қандайдир санъат даражасида эди, деса муболага бўлмас. У ланкани унг оёғида ҳам, чап оёғида ҳам бир хил тепар, иккала оёғининг ички ёнлари билан ҳам тепиб ажайиб ва чиройли ҳаракатлар қиларди. Чамаси бошловчилар ҳам бу гаройиб томошадан қуруқ қолиши исташмаёт-



риб қолган тошларни яна тепага 20-30 см. отиб кафти билан илиб олади. Кейин эса кафтидаги тошлардан биттасини тепага отиб, у қайтиб тушгунча ерга ётган тошларни битталаб шу усулда йиғиб ола бошлайди. Ергаги тошларни йиғиб олишининг ҳам узига яраша шартлари борки, улар уйинчидан чаққонлик

Таҳририятдан:
Ўзбекистон болалар жамғармаси «Оила ва Жамият», «Спорт» газеталари ҳамда саховатли халқимизнинг ёрдамига таянган ҳолда халқ уйинлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, уларни имкон борича тиклаш ва болалар ўртасида кенг тарғиб қилишга киришди. Бу хайрли ишдан Сиз ҳам четда қолманг, азиз юртдошлар. Ўзингиз болагингизда уйнаган ёки кимлардандир эшитган уйинлар тафсилотини бизга ёзиб юборинг. Биз эса имкон борича уларни газетамиз саҳифаларида ёрғитиб борамиз. Фаол иштирокчиларни Ўзбекистон Болалар жамғармасининг гаройиб совгалари кутади.

БИЗНИ АЖРАТИБ ЮБОРИШМОҚЧИ

Дарддан тулиб кетган кунгилни кимгадир айтиб бушатиш керак. Уйлаб-уйлаб сизларни танладим. Уйлайманки, сизларни танлаб нотўғри қилмагандирман. Мен Тошкентда туғилиб ўсдим. Отам заводда ишларди. Онам уй бекаси эди. Бизлар мен, синглим ва укам мактабда ўқирдик. Билмадим ўша пайтда ёш эдимми, негалигини тушуна олмадим-отам билан онам ажрашиб кетишди. Бизлар онам билан қолдик. Тошкентдан тўғри Ангрен шаҳрига яъни, онамнинг онасиникига кўчиб келдик. Бу ерда у уйдан бу уйга кўчиб яшаб юрдик. Охири Чилонзор туманидан ҳовли сотиб олишди. Орадан 8 йил ўтиб кетди. Хуллас ўгай отанинг таъна нонини едик. Ўз отамиз меҳрига зор ўсдик. Ўгай отанинг ачиқ гапидан, калтагидан тунларимиз бедор утарди. Онамиз билан қолганимизга минг-минг афсус қилардик. Гоҳида ойга ҳавас қилардик, уни ҳеч ким ҳафа қилмайди, деб. Буларга фақат Оллоҳ гувоҳ. Ҳа, болаликни шундай азоб билан ўтказдик. Вояга етдик — синглимни 18 ёшида турмушга беришди. Ҳозирда 2 фарзанди бор. Мени эса 19 ёшида Ангренга узоқ қариндошга турмушга беришди. Менинг хужайинимни катта опа-



сини менинг тоғамга келин қилишди. Хуллас қайчи куда бўлишди. Мен тушган хонадон тоғамни ҳовлисига яқин эди. Оиламиз катта эди. Аввалига яхши яшадик. Лекин кейинчалик вазият мураккаблашди. Қайчи куда бўлишининг номи ўчсин.

Тоғамни уйда жанжал бўлса албатта ўша куни меникида ҳам жанжал буларди. Аввалига эътибор бермадим. Ҳаёт шу экан, турмуш шу экан, деб юравердим. Чунки эрим билан яхши эдик. Фарзанд туғилса ҳаммаси ўз урнини топар деб ўйлагандим. Йўқ, нотўғри ўйлабман. Баттар авжига чиқди. Келиноийм уйдаги гапни бу уйга, бу уйдаги гапни у уйга ташийверди. Келиноийм аразлаб келса менга таъна тоши келиб тегади. Менимча, менинг ҳам шундай кетишимни хоҳлашарди. Шу аҳволда орадан 5 йил ўтди. Турмуш уртоғимни яхши курганим ундан айб топа олмаганим

учин чидаб юрдим. Охири бўлмади — оёқ ости бўлиб кетдим. Ахир мен ҳам одамман, етим бўлсам ҳам, менда ҳам юрак, кўнгил бор-ку, тўғрими? Ёшлигимда ёш эдим, бирпас йиглаб, яна эсимдан чиқарди бундай хурликлар. Энди бу ёғига ҳам шундай бўлишига йўл қўёлмадим, гурурим йўл қўймади. Орзу-умид билан келин бўлдим, ҳаммаси пучга чиқди. Болаларимни олиб уйдан кетдим. Тошкентга — онамникига бордим. Шунда ҳам турмуш уртоғим билан пинҳона учрашиб турдик. Очиқчасига қуриша олмадик, чунки чўчирдик. Мен тараф ҳамда у тарафдаги қариндошлар ўртасига совуқчилик тушган. Ҳамма қарши эди бирга яшашимизга. Биз эса гап-сузсиз тинч яшашни хоҳлардик. Буни ким ҳам тушуна оларди — ўша пайтларда. Кейинчалик Ангрендан квартира топиб ўша ерга кўчиб ўтдик. Ойига 2 мингдан пул тўлайми.

Хужайиним бир кун мен билан, 2 кун ўз уйда туради. Мана шу аҳволда яшаб келяпмиз. Қайнонамникидан чиқиб кетганимдан кейин ҳам кенноийм кетимдан ҳаўназгача ҳақоратлаб келади. Ниятлари бизни ажратиш. Биз эса ажраша олмаимиз, нима қилайлик? Турмуш уртоғим 8 минг сўм ойлик олади. Менга кўпи билан 1000 сўм бера олади. Қолганини албатта қайнонамга беради. Уларнинг ачиқ гапидан чўчибди. Қолгани онам ёрдам бериб турибди. Буларни ҳам майли, ҳалигача тинч қўйишмайди. Ишонасизми? Лекин нима қилай, эримни севаман. У ҳам севади. Севгини билган одам тушунмаса, ҳамма ҳам тушунмавермас экан. У шундай нарса эканки, ачиқ кўнларда ҳам бир-биримизга боғлаб қўйди. Ажрала олмадик. Севганимдан-севилганимдан жудаям хурсандман. Чунки сеvgи борлигига ишондим.

Лекин ҳаётдан жудаям ҳафаман. Агар қўлимдан келганда мен ва менга ўхшаганлар учун, яъни севишганлар учун алоҳида шаҳар қурардим-да, унинг дарвозасидан нияти бузуқ, ичи қора инсонларни қўймас эдим. У ерда фақат севишганлар яшар эди. Афсус, қўлимдан келмайди, нима қилай? Анча қийналиб қолдик — уй масаласида. Кўпчиликдан маслаҳат сурадим, ҳаммалари «Ажрашиб қўя қол-да», деб насиҳат қилишади. Сизлар нима дейсизлар? Қайси йўлни танлайин? Наҳотки бу ҳаёт қийинчиликлари, одамларнинг гайриликлари олдида сеvgи ҳам ожизлик қилса? Айтинг, нима қилай? Ёрдам беринг. Ахир биз эр-хотин бир-биримизни севадим. Маслаҳат беринг, илтимос қиламан — ёрдам беринг...

ЖАМИЛА

Биз дадажонимиз меҳрига жуда ҳам зормиз. Сабабини сўрасиз, сабаби шуки...

Дадамизнинг яна бир хотини бор экан. Биз бу тўғрида билиб олганимиздан кейин уйдан баракка, тинч-тотувлик ҳам бирга кетди...

Бир кун уйда утирсак телефон жиринглади. Олсак ҳеч ким гамирмади. Бу ҳол 6-7 марта такрорланди. Шунда биз қўшнимизнинг (номерини билиб оладиган) телефонни олиб чиқдик. 10-15 минутдан кейин телефон яна жиринглади. Олсак — дадамнинг товуши. Аммо яна бир аёл гапирётган эди (рус хотин). У аёл билан (аёл дегин ҳам келмайди) опачам гаплашди. Аввалига у биз биринчи бор телефон қилишимиз, қариндошимизга телефон қилайти адашиб сизга тушибмиз, — деди. Биз албатта ишондик. Кейин опачам билан иноқ бир қўшни хотин бизга: «Дадагиз касалми?» — деди. Биз «йўқ нимаиди?» — десак. У хотин: «Дадагиз аввалгидақа эмас. Мен билан бир хотинникига борасизларми, дадагизга нима булганини билиб оласиз», — деди. Опачам борса, у хотин (фолбин): «Дадагизни иккинчи хотини бор экан», — деди.

Шу жойда опачам хушидан кетиб қолибди. Кейин уйга келиб бор гапни оиймга айтибди. Бу 13 август 1997 йил эди. Ўша куни оийм бизга ҳеч нарса демадилар. Эрталаб туриб залдаги календарга қарасам

ДАДАЖОН, ИЛТИМОС, УЙИМИЗГА ҚАЙТИНГ

13 августни «ўлган куним», — деб ёзиб қўйибдилар. Оиймга қарасам кўзлари қизариб қовоқлари шишганди. Кейин уйлаб қарасам, ўша куни кечаси билан йиглаб чиққан экан. Шурлик оиймда нима айб?!..

Айби дадамга турмушга чиққаними?.. Олдинги пайтлар оийм кулиб, хурсанд бўлиб юрардилар. Энди эса бунинг акси. Ўша гапдан кейин оийм худди ҳайкалга ўхшаб қолганга ўхшайдилар. На куладилар, на бирон жойга айланишга борадилар, лекин кечаси билан йиглаб чиқадилар. Чунки... дадам уйда умуман ётмайдиларда... Дадамни дадаси ҳам, оийси ҳам бундар хабардор. Улар дадамни қайтариш учун қанча уринишди, қани энди фойдаси бўлса...

Биз, болалар дастурхонга ўтириб аввало ота-онамизга инсоф, дадамни ўз уйимизга қайтишини, оиймга эса сабр-тоқат тилаймиз. Ҳаттоки, энг кичкина укам ҳам — «Мен катта бўлсам мелиса бўлиб ўша хотинни

қамаб қўяман», — дейди. Ахир 6 та фарзандни ота меҳрига зор қилиб дадамизни уйимизга жўнатмаслиги инсофданми? Биз оилада 2 қиз, 4 ўғилмиз. Дадамиз укаларимни кўзларини мултилатиб ҳар куни бир марҳал келиб, сал ўтгач «Ҳозир келаман ўғлим», — деб яна кетади. Эртасига эса яна ўша пайтда уялмасдан ҳеч нарса бўлмагандай кириб келади. Биз дадажонимизни ўша рус аёлдан ажралиб, ўз уйимизга қайтиб келишини орзу қиламиз. Дадажонимга эса шу гапларни айтгим келади: «Дадажон, илтимос, ўз уйимизга қайтиб келинг. Жон дадажон, ахир биз сизни яхши кўраимиз-ку. Дадажон билинг, биз

сизни ҳар доим кутиб яшаймиз. Ва билингки, сизни уйда вафодор рафиқангиз ва сизни суйган фарзандларингиз кутиб, сизга инсоф тилаб ўтиришади.» Мен яна дадамнинг дилларини огритиб қўйишдан қўрқаман. Оиймга ачинаман. Ҳар доим кечаси билан ухламай йиглаб чиқадилар. Ахир бекорга айтишмаган эканда: «Эр бериш, жон бериш», — деб. Оиймга, оийжонимга эса, «Оийжон бизни кечиринг, Сизни билмай, шусиз ҳам яримта дилингизни огритаётган бўлсак кечиринг. Илтимос соғлигингизни ўйланг. Ахир кичкина укаларимизга раҳмингиз келсин. Сиз касал бўлиб қолсангиз биз умуман чидай олмаимиз, бизга бошқа оий умуман керакмас», — деб қоламан. Бизнинг оиламиз-хонадонимиздаги аҳвол ана шунақа. Маслаҳат беринглар нима қилайлик, бу огир вазиятдан қандай қилиб чиқиб кетсак бўлади, азиз юртдошлар.

Ота уйнинг султони,
Сулоно бўлинг отажон.
Уйимизга қайтиб келиб
Хурсанд юринг отажон.

М., Тошкент.

Бу мактубни ўқиб, жуда таъсирландим. Чунки менинг турмушим ҳам шунга ўхшаш эди. Биринчи оила билан 14 йил бирга яшаб, тўрт фарзандлик булганимизда хотинимни шайтон йулдан уриб, уни уйнаши билан икки ўглим гувоҳлигида қўлга туширдик. Иккита қўшнани ҳам чакириб шулар гувоҳлигида бу аёлни уйнашига қўшиб бериб юбордик. Мен тўрт фарзандимни узим билан олиб қолдим. Ушанда кичик қизим тўрт ёшда эди. Ана

чиси — бош қизимиз нобуд бўлган ва ҳозир уч фарзандимиз бор, иккита фарзандини ҳам уйли-жойли қилиб, неварга қўриб яна энг кенжамизни ҳам уйлантирмоқчи эдик. 1998 йилда, Оллоҳни хохиши ила, эр-хотин биргаликда хаж амалларини бажариб келдик. Раҳматли хотиним хожи она бўлди. Лекин охириги ўглини уйлантиролмай, мени болаларимга қолдириб у дунёга риҳлат қилди (Оллоҳ рози бўлсин), жаннати хотин эди.

ШОЯДКИ ЭРИНГИЗ ИНСОФГА КЕЛСА...

«ТУРМУШИМДАН РОЗИМАН, АММО»... — 5 сон

энди буларга тарбиячи она керак эди. Она, сигир эмаски бозордан сотиб олиб бермас. Қариндош-уруғлар бир-иккита жувонларни топишди, лекин мен гаплашиб қўриб ёқтирмадим. Чунки уларнинг гапидан, ёмғирдан қутулиб, қорга тутиладиганга ўхшади. Хуллас, Шарифахонга ўхшаган, олдинги эридан фарзанд кўрмай ажрашган, Насиббахон деган жувонни, Чилонзордаги синглим уз маҳалласидан топди. 1967 йилда 40 ёшда эдим. Насиббахон шу тўртта фарзанд туфайли менга ҳам, фарзанд бергин деб худудан астойдил сураб менга турмушга чиқди. Оллоҳнинг кароматини қарангки, Насиббахон олдинги хотиндан қолган тўрт фарзандимни ҳаммасини уйли-жойли қилиб, мендан ҳам тўрт фарзанд кўрди. Бирин-

Шарифахон, сиз ҳам Оллоҳдан эрингини инсофини суранг. Мен ҳам 30 йил шофёрлик қилганман. Эрингиз шофёр экан. Шофёр-шофёрни тилини билади, балким мени таниса ҳам керак. Тошкентда кўп одамлар мени танийди, адресимни ёзиб олиб эр-хотин уйимизга келинлар. Мен айна пайтда кўп йиллик меҳнатим фароғатини сураяман. Болаларим бағридаман, бир суҳбатлашсақ, деган умиддаман. Шоядки сизларга ҳам биз сингари хаж амалларини бажариб келиш насиб этса...

Насриддин **ТОЖИЕВ**
Тошкент-147, Қўйликча ярим бекат етмасдан чап қўлда «НАРГИЗ» кафеси ёнидаги ҳовли — Табибий 4-тор кўча, 10-уй.

У СИЗНИ СЕВМАГАН

«УНДАН БУ ГАПНИ КУТМАГАН ЭДИМ» — 6-сон

Хурматли К. — «Муҳаббатнинг кўзи кўр» — деганларидек, Сиз ҳам сеvgи дардига мубтало бўлиб дугонангизга икки томонлама қалб жароҳати бераётганлигинизни биласизми? Наҳотки, ўша сеvgини Сиз дугонангиз оиласи ва уртангиздаги дустлик риштасига алмаштираясиз. Азиз акангиз Сизни ҳеч қачон сеvмаган. Агар юрагизда заррача бўлса ҳам МУҲАББАТ туйғуси бўлганда эди, Сизни ўз жигаргўшасига турмушга чиқишингизни ва ундан кейин ҳам аввалги муносабатларингизни давом эттиришга ваъда бермаган буларди. Ўз укасини бахтини уйламаган ака Сизга қандай қилиб БАХТ ато эта олади.

Муҳаббат улуг ва покиза бегубор туйғудир. У инсон қалбига қутилмаганда кириб келади. Азиз акангиз қаби йигитлар эса муҳаббатни қалбда эмас — тилида дoston қилади холос. Шунинг ҳеч қачон унутмангки, СИЗНИ МУҲАББАТИНГИЗ ҚАНЧАЛИК КУЧЛИ БУЛСА, ДУГОНАНГИЗНИ СИЗГА БУЛГАН ДУСТЛИГИ ҲАМ ШУНЧАЛИК КУЧЛИДИР. Икки ёшни оиласини бузиб, бахтига зомин бўлганда кура ўз сеvgингиздан воз кечганингиз афзалроқ.

Ҳаёт шу қадар мураккабки, унинг чигалларини ечмоққа умр етмайди. Ҳаёт шу қадар фусункорки, унинг гузаллигига ҳайратланиб туймайсан. Ва охири у шу қадар даҳшатлидирки. Унга қараб одамнинг ваҳми келади.

Биз Сизга унинг қўзларига тик қараш учун жасорат ва сабр талаб қоламиз.

«Кўзингни оч эй баъний Одам,
У дунёни гамини егин.
Қилган гуноҳингиз авф сўраб,
Фақатгина Оллоҳни дегин».

Кургонтепа ёнги саноат касб-ҳунар коллежидан ишловчи опаларингиз:

РОХИЛА, ОДИНА, ГУЛБАҲОР, НИЛУФАР.
Андижон вилояти

СЎЗЛАРИМ ҚАТТИҚ БОТМАСИН...

«АЙРИЛИШИМИ АНИК ЭНДИ» — 2 сон

Синглим Дилнозахон! Сиз жуда тўғри йўлни танлагансиз. Сиз ҳеч қачон ўзингизни гузал кизлик ифратингизни, бегубор қалбингизни, гаплари тил учуда бўлган йигитларнинг, арзимас сўзлари остида қолиб кетишига йўл қўйманг. Инсон қалби гузал сўзлар шайдоси. Қизнинг қалби гулдан нозик бўлади. Сизнинг нозик диллингизга чироқли сўзлар билан йўл толмаган йигитингиз, ҳали қизлар билан муомала қилишни урганмаган экан, у сизни қадрингизга ета олмайд.

Синглим Дилнозахон, сўзларим сизга қаттиқ ботмасин. Чунки сиз уни сеvасиз, мақоланинг охирида айтганингиздек уни кўнглинларини кўтиб яшайсиз. Лекин шу ўринда, ҳаёт йўлингизни танлаётган бир пайтда, ота-онангиз сизга ёмонликни раво кўрмасалар керак. Албатта уларнинг маслаҳатларига ҳам қўлоқ солинг.

Гуландом **СУЛТОНОВА**,
Бухоро тиббиёт билими юрти
инглиз тили ўқитувчиси

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

«СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?» — 4-сон

Шаҳрисабз туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раисаси Д.Игамова қаламга олган муаммо биргина Қашқадарё вилоятида эмас, балки бошқа жойларда ҳам мавжуд.

Дарҳақиқат, Тошкент шаҳрида турли вилоятлардан тирикчилик ташвишида келиб ишлаётганлар жуда кўп. Уларнинг аксариятини усмирлар, ёшлар ташкил этади. Асосий

машгулотлари бозор-учарда арава тортиб пул топишдан иборат. Қўлда гулдек хунари, касб-кори, ҳатто дипломи борлари ҳам уларига шундай ишни маъқул топишади.

20-30 ёшлар орасидаги кишиларнинг бу тарздаги умрига ачинасан киши. Бу

тоифадагилар — аксарият ҳолларда бугуннинг ташвиши билан бўлиб, эртанги кун ҳақида кам уйлашади. Қишлоқдаги оиласи ва ота-онасининг аҳолидан бехабар бўлишади. Оталик ёки фарзандлик бурчини унутиб қўйишади. Бундай салбий ҳолатларни олдини олиш

мумкин. Бунинг учун жойлардаги ҳокимликлар, маҳаллий идора ва ташкилот раҳбарлари бош қотириши керак. Ёшларни касб-ҳунарга йўналтирувчи уқув даргоҳларини ташкил этиши, аҳолини иш билан таъминлайдиган иншоотлар қурилишини кўпайтириш лозим.

Тадбиркор ва ишбилармонларимиз ҳам бу борада ёрдамларини ашмасе яхши буларди. Хуллас, ёшларнинг узлари туғилиб усган жойларида ўқиши ва ишлаши учун имконият яратиш зарур. Шунда уларнинг «дайди» ҳаётларига ҳам чек қўйилади. Имконият эса ҳар доим топилади.

Ҳ.ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳри

БИРОВЛАР БАХТИГА ТЎҒАНОҚ БЎЛМАНГ

«БИЗЛАРНИ ОДАМЛАР ТУШУНИШАРМИКАН?» — 4-сон

Ситора, сизга маслаҳатим энди 18 ёшга тулибсиз. Сизнинг ҳаётингиз олдинда. Ҳали ҳам бўлса ёрингиздан воз кечинг. Унинг ойдек хотини ва ширингина кизалоғи бор экан. Уларни уволига қолманг. Ҳеч қачон ёрингизни умр йўлдоши ўз ёстиқдошини сизга раво кўрмайди. Хўп, унинг 2-чи хотини ҳам бўлдингиз, фарзандли бўлдингиз, вақти келиб ёрингизни қузига бошқа қизлар чиройли кўриниб қолса-чи? Ўз ёстиқдошига хўннат қилган ёрингиз, сизга хўннат қилмайди, деб уйлайсизми? Сизнинг онажонингиз ҳаётни паст-баландини тушунган аёл булсалар керак. Қандай қилиб ўз қиз-

ларига кундошликни раво кўрадилар? Сизга насиҳат қилиб, бу йулдан қайтариш ўрнига, отангиздан ҳам беркитганлар. Ўқини битиргунча сизга яхши жойлардан совчилар келиб, ўз бахтингизни топарсиз. Бировларнинг бахтига ҳеч қачон тўғаноқ бўлманг. Бу дунёни қайтар дунё дейдилар.

Эй инсон! Туғилдинг яшадинг, демек. Инсондек эзгу иш қилганинг яхши. Ҳаёт гумбазида неки иш қилсанг, ўзингга қайтишин билганинг яхши! Ситора, сизга Аллоҳдан инсоф сўрайман. Иноятхон **ҒУЛОМОВА**,
Ҳамза тумани

Хурматли «Д-бек қизи»... Асло қайғурманг. Бошингизда ота-онангиз бор экан, бахтингиз, давлатингиз бор, қайғуришга асло ҳожат йўқ. Дардингизни тушунаман. Ўзингиз уйланг, бу йигитнинг эркакларга хос булмаган номардлиги бор экан. Сизга вафолари ёр бўлишга қафолат бера оласизми? Сизга уйланг, бола-чақали бўлиб, яна узгага кўнгил қўйиб кетса, унда нима булади?

Сабрли, иродали бўлишга ҳаракат қилинг.

МУҲАББАТДА МАҒРУР БЎЛИНГ

«УНИНГ ТҮЙИ ТЕЗРОҚ ЎТСАЙДИ» — 40-сон

Ҳаётингиз ҳали бошланмади ҳисоб. Ҳали ҳаётнинг минг бирс ўқмоқларига, яхши кўнларини, қийинчиликларига дуч келасиз. Ҳозирдан ўзингизни қўлга олиб, ўзингизда куч топиб, муаммонгизни унутсангиз, кейинги порлоқ, ширин ҳаётингизга замин ҳозирлаган бўласиз. Синглим ҳаёт гузал, яшашнинг ўзи бахт. Яхши одамлар кўп. Ушалар билан бирга бўлинг. Муҳаббатда мағрур бўлинг. Сизни хафа қилишларига, топташларига асло йўл қўйманг. ҳали ўз ҳақиқий муҳаббатингизни албатта учратасиз. Севган ишингиз, юмушингиз билан шугулланг. Бу дардингизни ҳамма билан ҳам баҳам кўраверманг. Ўзингизга ишонинг-эро ўз-ўзига ишонч одамни кўп кўнгилсизликлардан қутқаради, муваффақият сари етаклайди.

А. Р.
Тошкент

ЭРТАНГИ КҮНИНГИЗНИ ЎЙЛАНГ

«ТАГИН ГУНОҲГА БОТАЙМИ?» — 5 сон

Хурматли А.! Сиз таҳририятга хат ёзиб жуда тўғри қилибсиз. Чунки кўпчиликдан чиққан фикр ҳеч ҳам хато бўлмайди. Мен ҳали ёш қиз бўлсам-да, сизга ўз фикримни билдиргим келди. Билмадим, мени фикримча, бошқалар қўшладими ёки йўқми? Сиз ақл-хушини йиғиб олган эркаксиз, ёш бола эмас. Шунинг учун эртанги кунингизни уйланг. У аёлини гапига кириб тагин катта хатога йўл қўйманг. Бир тарафда оилангиз, бир тарафда эса у аёлингиз эри. Агар у киши эшитиб қолса, сиз нима деган одам бўласиз? Агар булғуси фарзанд катта бўлиб, ҳаммасидан хабар топса-чи? Аёл-ку бундай ишларга олдий қарар экан, сиз эътиборли бўлинг. Яхшии бундай ифлос ишга қўл урмаганингиз маъқул. Қолаверса, ўзингизни гузал рафиқангизни ҳамда сиз учун биридан ширин-шакар бўлган 4 нафар фарзандларингизни уйланг. Агар улар бўлиб қолса, уларнинг қузига қандай қарайсиз? Яхшии ақлингизни йиғиб иш тутинг. Тагин гуноҳга ботиб қолманг. Янаям ўзингиз биласиз. Мендан хафа бўлманг, деб сингилнингиз урнида.

С.
Тошкент

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз ва меҳрибон дадажонимиз АЛИЖОН!

Сизни таваллуд кунингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Бахтимизга доим соғ ва омон бўлиб юринг.

Рафиқангиз — Мукаррам, фарзандларингиз — Атхамжон, Акмалжон ва севиқли қизингиз Муаззамжон, укангиз Иномали.

Тошкент шаҳар, Кўйлик даҳаси

Азиз кизимиз Мухайёзон!



Сени таваллудинг билан дилдан кутлаймиз. Оилангга тотувлик, шодлик ва туганмас бахт тилаймиз.

ОИЛА АЪЗОЛАРИНГ!

Азиз ва меҳрибон синфдошимиз ХАМИДА БОШИ!



куёши булиб, улар бахтига соғ омон улгайинг.

Эхтиром ила синфдош дўст ва дугоналарингиз

Онажонимиз Кимёзон Даврозова!

Сизни кутлуг 50 баҳорингиз-ла табриклаймиз. Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлишингизни истаймиз. Хонадонимиз кўеши булиб, узоқ умр кўринг, онажон!

Умр йўлдошингиз ва фарзандларингиз

Меҳрибон дадажонимиз Шўламифзо РАХМОИЧАНОВ!



Сизни кутлуг 60 ёшингиз билан табриклаймиз. Онамиз Арофатхон ая билан узоқ умр кўринглار.

Биз уҳм қилган меҳнатингиз роҳатини кўринглар. **Фарзандларингиз номидан. ШОИРАХОН**

МАШИНА — ЭР ЭКАН

Насиба опанинг яккаю ёлғиз қизи, уч угли бор эди. Саломат Насиба опанинг энг суюқли қизи эди. Фарзандлари ичида унга узгача қарашли ҳеч кимга сир эмасди. Уз навбатиди Саломат ҳам ота—онасига ўта меҳрибон эди. Бир кун ишхонада гап оралаб қолди. Нима эмиш, Насиба опа касалхонага тушиб қолибди. Мени узларига яқин олгани сабабли, пешиндан сунг олдиларига ўтдим.

Борсам, опа тушкун ҳолда эканлар. Гапларидан хаёллари ҳам паритшон эканлигини сезиб ажабландим. Дилини уртаётган дардларидан огоҳ этдилар:

— Синглим, биласиз, пешонамда яккаю—ёлғиз қизим бор. Мени бу гап эзиб ташламаса Турга эди. Қизимни еру—қукка ишонмасдим. Асраган кузга чўп тушар, деб бижиз айтишмас экан... Оҳ, юрагим сезувдия, нега ҳам ушанда ўқийдидан олиб кеб қуймадим? Ахир тушим белги берувдия...

Мен Насиба опага хайратомуз боқдим.

— Биласизми, болаларимдан кунглим тўқ, уйим ҳам тинч эди. Фақатгина қизим тезроқ ўқишни битириб келишини орзқиб кўтиб юрардим. Бир кун қизимни туш қурибман. Саломатини оплоқ келинлик либосда эмиш. Қатор—қатор машиналарда қизим кўеви ва бир туд қизлар қуршоғида ЗАГСга отланишибди. Бир маҳал не кўз билан қурайки, йўлнинг ярмига келиб машиналар ҳам, одамлар ҳам, ҳатто кўеви ҳам қуздан гоийб булибди. Қизим бечора катта кучада ёлғиз-узи қолиб кетди.

Чучиб уйгонсам тушим экан. Шу кун тонггача мижа қоқмадим. Юрагим шундай гаш булди, денг. Машина эр деб эшитувдим. Сахарлаб туриб дарҳол тушимни сувга айтиб, хайр—эҳсон улашдим.

А м о қисматдан қочиб қутулиб бўлмас экан. Не қилайки, Саломатини бир я р а м а с йўлдан озқилибди. Бўйнига олмади, гулдай қизим увол булди. Иснодга қолдим, синглижон. Худого солдим уша ярамасни. Болам шурлик биздан қурққанидан дарди ичида, узини еб юрибди. Ушанда дилимга солганда худойим, нега



ҳам дарров қизимдан хабар олмаган эканман. Пушаймон ейману, энди кеч...

— Майли, опа булар иш булиб, бўғи чиқибди. Энди фақат пешонасига берсин Саломатининг, — тасалли берувдим Насиба опага ушанда.

Ҳа, кургулик ёмон. Айниқса қиз боланинг иши қийин. Ушанда қанча—қанча гап—сузлар бўлувди. Саломатни оқловчилар ҳам, қораловчилар ҳам топилди.

Орадан анча вақт ўтди. Тешик мунчоқ ерда қолмас экан. Саломат ўқишни ҳам битирди. Турмушдан бахт топмаган бир йигитга тегиб, фарзандли ҳам булди.

Шу—шу хар гал кучада машиналарга қизим тушаркан, Насиба опанинг тушини эслайман. Олоҳнинг сир—синаотидан хайратланиб қуяман. Хар кеч эса иноятли тушдан умидвор булиб уйкуга чумаман.

МУНИСА, Оққўрғон.

«ДИЛОРОМ» ЎҚУВ КУРСЛАРИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

2 ОЙЛИК КУРСЛАРГА.

1. Зардушлик — Бухороча.
2. Бичиш-тиқиш, моделлаштириш.
3. Машинада гул тикиш.
4. Компьютер билимлари.
5. Бухгалтерия.

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА.

1. Инглиз тили (башловчилар учун, давом эттирувчилар учун)

Манзил: Муртазоев кўчаси, 40-уй, 3-қават, 63-хона.

Мўлжал— «Козогистон» кинотеатри. Тел: 35-13-41, 58-48-50.

«МАТБУОТ ТАРКАТИШ УЮШМАСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 1 ЯНВАР 1999 ЙИЛГИ БАЛАНС ҲИСОБОТИ

№	Моддалар номи	Актив		Пассив	
		01.01.1998	01.01.1999	01.01.1998	01.01.1999
1.	Ассоний воситалар қолдиқ нархи	7200		6220	
2.	Акциялар	851		1227	
3.	Ишлаб чиқариш захиралари	834		1657	
4.	Сотиш учун олинган моллар	35446		47696	
5.	Пул маблағлари	6492		10119	
6.	Капитал жамгарма				33
7.	Харидорлар билан ҳисоб-китоб	163		738	
8.	Бюджет билан ҳисоб-китоб	9		52	
9.	Бошқа дебиторлар	1401		733	
10.	Келажак мавсум харажатлари			454	
11.	Низом жамгармаси			2537	2537
12.	Қушимча маблағ			380	380
13.	Захира маблағи			128	381
14.	Тақсимланмаган фойда			1619	5125
15.	Келажак даромадлари			3771	5579
16.	Кредиторлар			35887	39660
17.	Бюджетга қарзлар			1089	4042
18.	Меҳнат ҳақи бўйича қарзлар			1212	1357
19.	Ихтимойий сугурта қарзлари				
ва	таъминот			489	800
20.	Бошқа кредиторлар			3275	6998
21.	Олинган аванс			2009	2070
Жами баланс бўйича		52396		68929	52396
68929					

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» УГИТНОМАСИ

ЯХШИЛИК — САВОБ ДЕМАКДИР

Яхшилик... У — одамлар уртасида меҳр—муҳаббат, ҳурмат уйғонувчи восита, яхшилик қилиш—иймон белгиси. Бировга ёмонлик қилишдан тийилиш ҳам яхшилик, бир суз билан айтганда яхшилик—савоб демакдир. Ҳа, қалбида иймони бор инсон савоб умидида эзгу ишларга қўл уради. Кимдир мол—дунёсини хайрли ишларга сарфласа, кимдир икки оғиз ширин сузи билан мажруҳ қалбларга малҳам бўлади.

Лекин савол тугилади?... Рив (хужакурсин) ва таънадан ҳоли яхшилик қилиш қўлимиздан келармикан?

Шу саволга жавобан қуйидаги ривоятни келтирмакчиман:

Отлиқ бир киши сафари давомида саҳродан утишига тўғри келибди. Саҳродан ўтаётди дам олиш учун тўхтабди—ю отини боғлаш учун қозик тополмабди. Улдабурон сайёҳ бир ёғочни топиб қозик сифатида фойдаланибди. Дам олгач, кетаётди «Кимдир қозикдан фойдаланар», — деб савоб умидида қозикни сугуриб ташламабди.

Қўп утмай бошқа бир сайёҳ шу ердан ўтаётди оти халғи қозикга қоқилиб йиқилибди. У уридан туриб «Шу қрки лат емадим», — дея қозикни сугуриб ташлабди. Албатта «Бошқа биров хоқилиб йиқилмасин», — деган ниятда. Қисқиси, хар иккала сайёҳ холис ниятлари учун Парвардигор хузуриди бир хил савобга эга бўлибди.

Шу хусусда бир ҳинд донишманди:

«Чўқкига шимол томондан ҳам, жануб томондан ҳам кутарилиш мумкин, лекин юксалиш бир хил бўлиб қолаверади», — деган эди.

Демаки, қилаётган ва қилмоқчи бўлган ишларда холис ният лозим. Қолаверса яхшилик бобирида атрофдагиларга урناк бўлиш жамиятимиз пойдеворини мустаҳкамлашда муҳимдир.

Дини Исломияда бир ҳикмат бор: Кечаги кун ўтди, бугун—сен учун ганимат, эртага яшашингга кафолат йўқ. Бас, шундай экан яхшилик уруғини экиб қол. Чўнки:

Хар кимки вафо қилса вафо топқусидур,

Хар кимки жафо қилса жафо топқусидур.

Яхши киши қурмағай Ҳаргиз ёмонлик,

Хар кимки ёмон бўлса жазо топқусидур.

Мухаммад ИБРОҲИМОВ, илмий ходим, Наманган



УМРИНЧИЗ УЗОҚ БЎЛСИН!

Кун и кеча боғчага, мактабга бориб юргандик. Ота-оналаримиз ҳам ёшу-навқирон эдилар. Бугун бу азизларимиз 42 ёшга тўлдилар. Турмуш қурганларига эса 21 йил булди. Ҳаёт давом этаверар экан. Биз фарзандлар уларнинг узоқ умр кўриб, набираларининг бахту-саодатиға шерик бўлиб юришликни истардик.

Ота-оналар сояи давлатида яшамокнинг ўзи дунёдаги энг улкан бахт. Бундай бахт хар кимга насиб этсин...

СУРАЙЁ, КАМОЛА, АЗИЗА, Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Савол: Пенсияонер вафот этганда дафн этиш учун нафақа тулланадими? Туланса, қанча миқдорда?

М. Рустамов, Учқудуқ шаҳри

Жавоб: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ нафақахур (ишловчи нафақахурлардан ташқари) вафот этган тақдирда унинг оиласига ёки нафақахурнинг дафн этиш маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдориди, лекин энг кам иш ҳақининг икки ҳиссасидан оз бўлмаган миқдорда дафн этиш нафақаси туланади.

Курсатиб утилган пуллар, уларнинг олиш учун пенсияонер вафотидан кейин 6 ой ичида мурожаат этилган тақдирда туланади.

А. МУЗАФФОРХООНОВ



УЛАР БАХТЛИ ЯШАШГА ҲАҚЛИ ЭДИ...

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Шаҳримизда Мастура исмли аёл яшайди. Кўпчилик уни Мастура хола деб аташади. Турмуш уртоғи вафот этгач, у киши ёлғиз боши билан турт қиз ва бир ўғилни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Ҳаммасини олий ўкув юртида ўқитди. Яхшигина хонадонларга узатиб, қизларидан тинчиди. Энди ёлғизгина ўғли Асроржонни уйлаб қуйиш, эининг тўрида айоналардек савлат тўлиб ўтириш, неваралар куриш орзусида эди. Шу боис маҳалладаги қизларнинг одоб-ахлоқини суриштириб, юриш-туришини кузатарди. Аммо бирортаси ҳадеганда дидига ёқавермади: Ҳар кун утирса-да, турса-да яхши киз ахтариб юрган Мастура холанинг ёдига укасининг қизи — Дилором келди. Кўнглида қорачадан келган, одобли, сулувгина бу қизни келин қилиш истаги пайдо бўлди. Укаси қўшини вилоятда яшайди. Қизини келин қилса, аввало борди-келди узилмайдди. Қариндошлик ришталари янада кучаяди. Қиз ҳам синовли, онадонини файзга тўлдирди. Амма деб бошига қутаради. Ҳар ҳолда ўзиники-да. Ана шу ўғил билан кунни кеч қилди. Кечкурун ўғлининг розилигини олгач, эртаси Жиззахга отланди. Укаси Абдурашул ҳамда келини — Нарғизахонга ниятини айтди. Улар ҳам қарши-

лик қилмай, қизларининг ўқиши битгач, тўйга рози эканликларини билдиришди...
Орадан бир йил ўтиб, Дилором ўқишини тамомлади. Ота-оналарининг оқ фотиҳаси ила, узоқ қутилган тўйни ҳам утказишди. Аввалига иккала ёш ҳис-туйғулар оғушида иноқ ва бахтиёр яшай бошлади. Улардан-да бахтли инсонлар йўқ эди дунёда. Кейинчалик ой кун яқинлашиб Дилоромнинг кўзи ёриди. Афсуски, дунёга келган гудакнинг боши катта бўлиб, оёқлари ногирон эди. Кўп яшамади. Уни қора тупроққа топширди. Ушанда илк бор тақдир уларнинг пешоналарига машаққатли ҳаётнинг бир чизигини тортган эди. Бу ҳол иккинчи фарзандида яна такрорланди. Кейинчалик шифокорлардан билдик, қариндошлар уртасидаги никоҳдан кўпчилик фарзандлар ногирон тугиларкан. Яхши ният билан борди-келдини, қариндошликни мустаҳкамлаймиз деган опа ва ука қилган ишларининг натижасини англаб етди. Бирок гишт қолмадан кўчганди. Қандай бўлмасин ажралиш керак. Бу ҳақда Асрор онасига фикрини айтди. Тўғрида, улар ҳам соғлом фарзандларни вояга етказиш, ка-

молини кўриш, тўй қилиб элга ош беришдек эзгу орзулар билан яшаётгандилар. Энди бу орзулар армон бўлсинми? Эл-юрт олдида ким деган одам бўлади? Отасининг авлодини ким давом эттиради? Асрорнинг сузларини эшитган онаси уни уришиб берди, кўнгли ран-

ди. Бунга Дилором ҳам рози бўлар, ундан кўнгли тўк. Аммо кўёви ва қизи, айниқса ўғли Асрор бунга қўнармикан? Нураб бораётган оиласига уртага тушган соувчилик Мастура хола ва Абдурашул акани чуқур уйга чумдирганди...

Албатта, бу дунёда Асроржон ва Дилоромлар бахтли яшашга ҳақли эди. Улар ҳам соғлом фарзандларнинг ота-онаси бўлишни жуда-жуда истарди. Ишдан келгани замон, остонага қадам қўймас фарзандларининг «дадажон, аяжон» дея югуриб чиқишини, бўйнига осилиб эркаланишини хоҳларди. Лекин тақдир, ота-оналарининг уйламай қилган ишлари бу бахтдан бенасиб этган бўлса...



«Бегона бўлмасин, узимники» деб қариндошимизнинг қизини келин, ўғлини кўёв қиламиз. Юқоридаги воқеа юз бергач, бошимиз деворга текканини биламиз, «дод-вой» солаамиз. Кўпичла ноиложликдан икки ёшга ажрим қозғини бериб, қариндош-уруғлар бир умр юз кўрмас бўлиб кетганлар кам

ларининг «дадажон, аяжон» дея югуриб чиқишини, бўйнига осилиб эркаланишини хоҳларди. Лекин тақдир, ота-оналарининг уйламай қилган ишлари бу бахтдан бенасиб этган бўлса...
«Бегона бўлмасин, узимники» деб қариндошимизнинг қизини келин, ўғлини кўёв қиламиз. Юқоридаги воқеа юз бергач, бошимиз деворга текканини биламиз, «дод-вой» солаамиз. Кўпичла ноиложликдан икки ёшга ажрим қозғини бериб, қариндош-уруғлар бир умр юз кўрмас бўлиб кетганлар кам

дейсизми? Йўқ, улар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу эса жамиятимиз учун оғир иллат эканлигини ёдидан қичқармайлик. Шу боис ҳадиси шарифда оғанини, қариндошлар уртасидаги никоҳ Оллоҳ томонидан ҳаром қилинганлиги айтилади. Албатта, ҳаром қилинган иш Оллоҳга хуш ёқмаслиги бизга маълум. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 2-бўлими, 16-моддасида ҳам қариндошлар уртасида никоҳ тузилиши таъқиқланганлиги беъжиз эмас.

Юқоридаги сатрларни ёзаяпману, ота-боболаримизнинг ҳикматли тадбири ёдимга келди. Утмишда никоҳдан аввал йигит ва қизнинг етти авлодини, насл-насабини сураб-суриштираркан. Мабодо авлодидан бирортаси қариндош чиқса ёҳуд насли нотоза бўлса, бўлажак никоҳ тўхтатилиб, бекор қилинар ва шу зайдда авлодининг руҳан ва жисмонан соғлом ва бақувватлиги сақланиб қоларкан.

Ана шу тадбирга амал қилсак, қариндош уруғлар уртасидаги никоҳнинг олдини олсак, ёш оилаларнинг бузилишининг олди олинарди, ҳамда мард ва жасур, иболи ва ҳаёли, руҳан ва жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялашдек бахт ҳаммамизга насиб бўларди.

Шўҳрат ҚАРШИЕВ,
Самарқанд вилояти

Мен бу нарсани ёзиш-ёзмасликни уйлаб анча кунлар иккиландим. Ниҳоят, қалбимдаги армонларга, юрагимнинг тафтига таскин бериш мақсадида мактуб ёзишга аҳд қилдим.

Биз олдин Фаргона водийсининг Қўқон шаҳрида турар эдик. Тақдиримизга отасиз ўсиш ёзилгани билмадим, ота меҳрига тўймай ўсдик. Биринчи дадам билан онам ажрашиб кетишган. Бунга сабабчи ким эканлигини сира тушуна олмайман. Чунки улар севиб-севилиб турмуш куришган. Билишимча, онамнинг айби шўки, иккита қиз тўққан. Ахир нима эксанг шўни урасан-ку. Учунчи марта ҳам қиз тўғилган; Худонинг бергани-да. Биринчи дадамнинг исми Эргаш. Дадамнинг онаси: — Хотининг яна қиз тўғди, у ҳеч қачон ўғил тўғмайди. Уни қўйиб юбор, сенга бошқа хотин олиб берман, — дейди. Кўнглини совутади. Шундан кейин дадам онамни ҳатто, тўғруқхонадан ҳам олиб чиқмади. Бизларни етаклаб олиб онам бўвимнинг уйига борди. Дадам эса синглимга тўғилганлиги ҳақида гувохнома ҳам олиб бермади. Дадам бошқа аёлга уйланди. Бизни эса тақдир Тошкентдай гузал шаҳарга улоқтирди. Онам болаларим етим усмасин; деб

«Кўпларнинг бирисида...» танловига

қайта турмушга чиқди. Кейинги дадамиз оқ-қорани таниган, серсаховат киши эди. Бизга оталик меҳрини берди, кўнглимизга қаради, укситмади. Угай эканлигини сездирмади. Бизнинг оила жуда ҳам иноқ яшай бошлади. Худойим ҳам энди онамга ўғил фарзанд берди. Кейинги дадамнинг исмла-

лаб қўйди. Йиллар ўтган сайин биз синглим ҳам, мен ҳам анча улғайдик. Онам бўвимнинг уйига укамни ҳам ўзи билан бирга олиб борганида, тасодифни қаран-ки, биринчи дадам билан учрашиб қолишибди: «Эринг улганидан хабарим бор, кел, қайта турмуш қу-

БИР УМРЛИК АРМОН МЕНИ ҚИЙНАЙДИ

ри Ҳамид эди. Укамизнинг исмини Рустамжон деб қўйдик. Катта онамни турмушга узатдик. Мени эса ўқишга жойлашди. Афсуски, бевақт улим кейинги дадамизни орамиздан олиб кетди. Узи боққан фарзандлари роҳатини ҳам қўра олмади. Дадамизни худо раҳматига олган бўлсин.

Яна отасиз қолдик. Ёш бўлсак-да, дунёнинг машаққатларини бошимиздан кечирдик. Ҳаётнинг синовларига бардош бериб яшай келаямиз. Онажонимиз зиммасига тақдир яна оталик масъулятини ҳам юк-

райлик», — дебди. Онам кўнмабди. Ахир фарзандлари гудаклигига ташлаб кетган ота, улғайиб қолган болаларига қандай оталик қилсин? Ўз фарзандларини ташлаб, бировнинг болаларига оталик қилди. Бундай одамни ким деб аташ мумкин. Норасидаларнинг нафратига учрамадиларми?

Эргаш дадам Қўқон бозорига ишлайди. Ҳар гал Қўқонга борганимизда уни кўраимиз. Лекин кўрмасликка олаамиз. Бизга оталик қилмаган инсонга қандай қилиб кўргилмиз исисин. Бир кунни синглим синаб куриш

мақсадида дадамнинг олдига бориб, онамнинг исмини айтиб, қизи эканлигини билдирибди. Эргаш дадам бўлса тан олмасдан «Сиз мени бошқа кишига ўхшатаяпсиз», — дер эмиш. Қандай қилиб бошқа одамга ўхшатсин, ахир унинг томирида отасининг қони оқаяпти-ку. Синглим уйга кириб роса йиғлади, узини қўярга жой тополмай қолди. Бечора синглим узини дунёга келтирган одамга нафратланиб қарайдиган бўлди. «Менинг дадам Эргаш эмас, Ҳамид», — деб тан олади. Мен ҳам ҳозир турмушга чиққанман. Юракдаги яра битмас, деганлари рост экан. Қалбимдаги армонлар мени ҳанузгача қийнайди. Буларни ёзишдан мўддао, юрагимни бўшатмоқчи бўлдим. Яна ёзганларимни Эргаш дадам ҳам ўқиб афсусланармикан, деб умид қилдим. Урта норасидани дунёга келтириб, оталик қилмаган, фарзандларини армонда қолдирган одамга ҳам боққан бало бордир. Мен дадамга ёмонлик тиламайман. Чунки у мени ёруғ дунёга келтирди. Тилагим шўки, ҳеч қачон улмасин. Келажақда бошига тушажак дунёнинг машаққатларини бўйнида кўтарсин.

Дилором УМАРОВА,
Тошкент вилояти,
Янгийўл тумани

Мавзуга қайтиб

СУДАН КЕЙИНГИ СЎЗ

Газетамизнинг 1998 йил 21-сонида «Бувижоним билан қоламан» мақоласи ҳамда 22-сонида ушбу мақола асосидан келган мактублар юзасида ақс-садолар босилди. Мактублардан «Саққокий маҳалласи кексаларидан» деб ёзилганди. Саққокий маҳалласи оқсоқоли С. Ёкубов тахририятга кўнгирак қилиб бу ақс-садоларнинг маҳаллада анча норозиликларга сабаб бўлганлигини маълум қилди. Биз А. Икромов тумани ҳокимлигининг вакиллари иштирокида ушбу воқеага бағишланадиган мажлисда қатнашдик.

Худди шу пайтда Алимов Бахтиёрнинг даъво аризасига қўра яна суд бўлиши кўтилаётганди. Чунки у суд ҳукмидан норози бўлиб қайтадан судга мурожаат этганди. Яқинда А. Икромов туманида уша суд бўлиб ўтди. Аввалига жавабгар Мавжуда хола судга келмади. Судда Мавжуда хола Саққокий маҳалласи кексалари номидан Алимовлар шаънига қалбаки мактублар ёзиб газетамизга юборгани исботланди. Мавжуда холанинг ўзи уялиб, бошлари ҳам бўлди. Суд қарори билан кичик ўғил Иломжон отаси Б. Алимовга олиб берилди.

Оллоҳ ҳар кимни, яхши-ёмонни ўз ота-онасидан қўймасин. Биз эса Мавжуда хола томонидан Саққокий маҳалласи кексалари номидан деб улоштириб ёзиб юбориб, газетда текширилмай эълон қилинган ақс-садо учун ота-хонлардан уэр сураймиз.

ШАВКАТЛИ

СЕНИ СУЙДИМ

«САЛОМЛАР АБАДДИР, ОНАЖОН!»

(Шоир Сирожддин Саййид билан суҳбат)

Дийдор

ШАКЛИФНОМА

Дилдан кетсин ўн тўрт
йиллик қийноқинам,
Қаймоғингдан кулча
қилгил, қаймоққинам.
Юзларингда гоҳ хижолат,
Гоҳи тамкин,
Гоҳи шаддоод шамол
янглиғ уйноққинам.

Тўзонларда менинг
ёзу қишим учди,
Кўлдан гоҳим,
боғларимдан қушим учди.
Изларидан бошларимдан
қушим учди,
Қай сойларда қолиб
кетди қармоққинам.

От кишнаса осмонларда
ой тўлади,
Кокилларинг сойга
солсанг, сой тўлади.
Сенинг бирлан фақир
кўнглим бой бўлади,
Қикирлайди ҳар жилгам,
ҳар ирмоққинам.

Тоғларимда йўлингга зор
лолаларим,
Алар менинг ўн тўрт
йиллик нолаларим.
Сени кўриб бир суюнсин
холаларим,
Тўйлар қилсин гамгин
уруғ аймоққинам.

Худо охир кечгай
айбу гуноҳимдан,
Учта ўғил туғилгайдир
бир оҳимдан.
Сени суйдим армонли,
дардли чоғимдан,
Кўксимдаги ўтлардан ҳам
қайноққинам.

— Аввало, «ижодий фаолият», «менинг ижодим» деган сўзларга қандай қарайсиз?

— Булар яхши сўзлар, беозор, юмшоқ иборалар. Лекин улар замиридаги меҳнату заҳматни сўз билан ифодалаш қийин. Ўзим «ижод», «менинг ижодим» дея гапиришни хуш кўрмайман. Бундай деб катта, улуг устозлар айтса ярашади.

— Бугунги кунда тенгдош ижодкорлар ўртасидаги муносабат, рақобат ва меҳр қандай?

— Менимча, биз бир-биримизни яхши кўрсак керак. Бир-биримизнинг холимиздан хабар олмай, ҳол-аҳвол сурамай, йўқламай туриб ҳам яхши кўрсак керак деб ўйлайман. Сабаби, киши бошига бир иш ё ташвиш тушсагина, яқин кишини йўқлай бошлайди. Йўқламаяпмизми, демек ҳамма-

нинг ишлари жойида. Шахсан ўзимга келсак, шоир дустимнинг бир яхши шеъ-



ри ё китобини ўқиб қолсам, албатта, муборакбод этаман.

— «Эрни эр қиладиган ҳам... хотин» деган мақолга муносабатингиз.

— Бу мақолни билмадим, лекин яхши хотин ҳам яхши ният сингари, ярим давлат», — дегандай гап. Худо шунисидан кам кўрмаса қолган ярмисини топиш эр кишининг қулидан келадиган иш.

— Фараз қилинг: кўлингизда биттагина олма бор, онагами, фарзандми ё ёрғами — кимга берган бўлардингиз?

— Менинг урнимда бошқа, истаган кишингиздан сўралганда ҳам албатта, «онага» деб жавоб берган бўларди. Мен ҳам ўз онамнинг фарзандиман.

— Энг бахтли кўнингиз қайси? Сабаби?

— Дунёга келганим. Сабаби — Худо шундай хоҳлаган.

— Ҳозир сиздан тўрт сатр шеър сўралса, нимани ўқиган бўлардингиз?

— Жудолиғлар дунёда, бош узра не ҳаводир?

Сертахлика боғларда шовуллайди хавотир.

Кўркам ниҳол эрта кун кимларгадир асодир.

Ўзинг тингла тун чоғи таралган бу ноламни. Паноҳингга ол Худо ёлғизгина онамни.

Мухтор БЕК суҳбатлашди.
СУРАТДА: шоир онаси билан

Шафтолилар баргидан,
Ранглар кетар, ёр-ёр.
Ҳовлимизда оппоқ,
ойдин,

Тонглар отар, ёр-ёр.
Ёшлик ҳам бир тўй сингари,

Ўтар-кетар, ёр-ёр.
Сиз келсангиз кўнглимиздан,
Занглар кетар, ёр-ёр.

Сен маъсуд дунёнинг борини,
Йўладинг. Яшадинг.
Ўтқардинг.

Бердинг қорачиқлар умрини,
Тунларни киприкда кўтардинг.

Фарзандлар кетдилар ҳар тараф,
Сокин қолди уйинг — англадинг.

Соғиндинг.
Соғинч-ла, йўл қараб
Бир вужуд соғинчга айландинг.

У кунлар ёди ҳам сенга шон,
Тунлар хотираси боқийдир.

Саломлар абаддир, онажон,
Видолар фонийдир,
Фонийдир!

АЖОЙИБ — ФАРОЙИБ

ЖАСОРАТ
КЎРСАТГАН ҲОЗ

Хайит кунлари Ўшга қариндошларим руҳларини зиёрат қилгани борган эдим. Жалолқудуқлик қариндошлар ҳам уша куни келиб қолишди. Хол-аҳвол сурашиб, қурган-билганлардан гаплашиб ўтирдик. Ҳар ким қурган, эшитган гапларидан гаплашиб ўтирардик. Шунда Жалолқудуқ туманидан келган йигитлардан бири ажойиб бир воқеани гапириб берди.

Кўшнисининг иккита гозни бўлиб, уша куни каттагини эшиги беркилмай қолган экан. Кечаси бир тулки кириб, (гозлардан бири макиён, бири хуроз экан) гозни бирини тишлаб, елкасига ортиб, гағалатиб олиб чиқиб кетибди. Орқасидан гозни шериги қувиб кетибди. Уйни эгаси бу ишлардан хабар топганч гозларимдан айрилдим деб ҳафа бўлиб ўтиришган экан. Орадан бир соат утар-утмас гозларнинг иккови ҳам эшиқдан кириб келишибди. Уй эгасининг айтишича гозлар одатда қаноти билан душманига ҳамла қилар экан. Анча-мунча одамларни қаноти билан уриб ағдариб ташлар экан. Орқасидан қувиб кетган хуроз гоз қаноти билан тулкини уриб шошилтириб қўйган. Натижада гозни хужумига бардош беролмаган тулки ўз улжасини ташлаб қочи қолишга зўрга улгурган. Шундай қилиб хуроз гоз жасорат курсатиб тулки оғзидан ўз шеригини кутқариб қолган.

Зокиржон Иброҳимов,
Андижон вилояти, Хўжабод тумани

ЎЙЛАНГ, ИЗЛАНГ, ТОПИНГ

ЙИГИТ ҚИЗГА НИМА ДЕДИ?

Бир йигит билан қиз бир-бирларини яхши қуришар экан. Бир кун йўлда жар ёқалаб кетишаётган экан. Жар ёқасидаги бир тошнинг тагида—қўл етмас жойда чиройли гул осиб турганмиш. Буни қурган қиз: «Агар мени севсангиз ана шу гулни олиб беринг», деб туриб олибди.

Шунда йигит қизга шундай бир сўз айтибдики, қиз ниятидан қайтибди. Ва улар қўл ушлашиб йўлларида давом этиб кетаверишибди.

Айтинг-чи, йигит қизга қандай сўз деган экан? Жавобларингизни кутамиз.

Феруза РЕЖАМАТОВА 17 ёшда.

«Оила ва жамият» ёрдам берди

УЙ ЎЗИМИЗНИКИ БЎЛДИ

Бир неча йилдан буюн ишхонамиздан берилган уйимизни хусусийлаштира олмадик. Чунки иш стажимга ҳали ун йил тўлмаганди. Қаровга муҳтож, ноғирон фарзандимни ёлғиз қолдира олмастим боисидан ишлаш имконим ҳам йўқ эди. Ишламасам уйдан маҳрум бўламан. Нима қилишени билмай охири «Оила ва жамият» газетасига дил изҳорим битилган мактубимни йўлладим. Бу мактубим газетادا чоп этилган Чилонзор тумани ҳокимияти раҳбарлари менинг дарди ҳасратимни дилдан ҳис этишди. Уйни бизга хусусийлаштириб беришди.

Биз оиламиз номидан сеvimли газетамизга, ушбу ишда ёрдам берган барча инсонларга ўз миннатдорчилигимизни билдираимиз.

М. СОТВОЛДИЕВА,
Чилонзор тумани

ТОПИШМОҚЛАРГА
ЖАВОБ ОЛДИК

Ҳурматли муштарийлар! Аввало бизнинг «Уйланг, изланг, топинг» рўқнимизга ҳат йўллаганингиз учун раҳмат. Биз жуда кўп мактублар олдик. Бу рўқни иложи борича давом эттиришга ҳаракат қиламиз.

Газетамизнинг 5-сонини, 8-саҳифасидаги «Йигит нима деганди?» номли топишмоққа тўғри жавобни Сирғали туманидан Исақова Хадияхон, Акмал Икромов туманидан Моҳир Ҳожибоев, Навоий шаҳридан Уринбоева Гуласал, Чирчиқдан Нурмашева Ойжамол, Бухородан Файзиева Нигора ва Чортоқ биллими юртидан Муталова Гулҳаёлар ёзиб юборишибди. Йигитнинг олдида иккинчи қиз келганида, йигит ҳеч бирини курсатмай, «Танишинг, бу севгилим» деб қўя қолади. Иккала қиз ҳам мени таништиришти деб ўйлаб хурсанд бўлиб кинога кириб кетишади.

Газетамизнинг 6-сонидан берилган топишмоққа Навоий шаҳридан булган муҳлисимиз Уринбоева Гуласал жавоб йўллаганлар. Хонанинг тилсими шукки, унда «Бу кунлар ўтиб кетади», — деган ғезув бор эди.

Биз сизлардан ҳам уткир ва қизқарли топишмоқлар ёзиб юборишингизни, шунингдек берилаётган топишмоқларга зудлик билан жавоб йўллаб юборишингизни кўтиб қоламиз.

И. ХОЛИҚОВ

Оила ва жамият

Мақолада келтирган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Кўлёмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛҲАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълолар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35.
Босишга топширилди - 21.15.

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - яқка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0115
28118 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нарҳда.
Навбатчи Н. ЙҮЛДОШЕВА.